

RESEARCH ARTICLE

Uzbek Translations Of Ogahiy's Persian Poems

Ergash Ochilov

Professor, Head of Department, Doctor of Philological Sciences Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan Tashkent, Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 43-48

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-Noncommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

The article analyzes the poetic and prose translations of Ogahiy's Persian poems made by various translators and researchers, highlighting their achievements and shortcomings.

KEY WORDS

Bilingualism, tradition, originality, translation, ghazal, chronicle, meter (repeating refrain), mastery.

INTRODUCTION

Ўзбек адабиётида зуллисонайлик ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга. Ислом дини билан бирга араб тили, фани ва адабиёти ҳам кириб келгач, олим адиблар араб тилида ҳам ижод қила бошладилар. Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент адабий мухитларида X–XI асрларда кўплаб маҳаллий шоирлар араб тилида ҳам қалам тебратишган. Жумладан, Мансур ас-Саолибийнинг “Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ас-аср” (“Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси”) тазкирасининг тўртинчи қисмида 47 та бухоролик ва 7 та хоразмлик арабийнавис шоир хусусида маълумотлар ва уларнинг асарларидан намуналар келтирилган [3,]. Ёқут Ҳамавий “Мўъжам ул-удабо”да 21 нафар Хоразм адабий муҳити намояндлари тўғрисида маълумот беради [11,233]. Гарчи асарларидан намуналар келтирилмаган бўлса-да, Абдулкарим Самъонийнинг “Ал-ансоб” (“Насбаном”) асарида ҳам 30 га яқин бухоролик, самарқандлик, шошлик, фарғоналик, насафлик шоиру адиблар номи тилга олинади [1]. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари қомусий алломалар ҳам бу тилда илмий асарлар ёзибгина қолмай, бадий ижод намуналарини ҳам яратганлар.

IX аср бошида сомониёлар ҳокимиятининг ўрнатилиши билан форс тилининг мавқеи кучая бошлади

– у бадий адабиёт тили бўлиб қолди. Хоразмий, Лутфий, Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Убайдий, Фазлий, Амирий, Нодира, Мунис, Огаҳий, Мужрим-Обид, Гулханий, Муқимий, Табибий, Комил, Рожий, Мажзуб, Ҳамза, Фитрат, Айний каби кўпдан-кўп шоиру адиблар ўзбек ва форс-тожик тилларида маҳорат билан қалам тебратганлар.

Асосий қисм. Мумтоз сўз санъатимиздаги асрларни бўйлаб келган зуллисонайлик аънанани давом эттирган ва ривожлантирган икки тилли забардаст шоирлардан бири Огаҳий бўлиб, унинг ўзбек тилидаги “Таъвиз ул-ошиқ” (“Ошиқлар тумори”) девонига илова қилинган “Ашъори форсий” (“Форсий шеърлар”) мажмуаси 22 ғазал, 5 мухаммас, 1 мусамман, 1 муножот ва 23 воқеа муносабати билан ёзилган 36 таърихдан иборат. Бу мўъжаз меросдан танлаб олинган 4 ғазал, 2 мухаммас ва 1 мусамман дастлаб “Таъвиз ул-ошиқин” нашрида насрий таржимаси билан эълон қилинган [10,591-602]. Шоир олти жилдлик асарларининг 2-жилдида эса 7 ғазал, 1 мухаммас насрий баёни билан берилган [9,378-395]. Абдулла Аҳмедов Огаҳийнинг форсий меросига бағишланган мақоласида унинг қатор шеърларини, асосан ғазаллари ва қатор байтларини бармоқ вазнида шеърий таржима қилиб келтиради [5,118-125]. Бу меросдан намуналар Абдулла Ўрозбоев томонидан ҳам

таржима қилинган [8]. Ниҳоят таниқли шоир ва мутаржим Матназар Абдулҳаким ҳамюртининг “Ашъори форсий”сининг тўлиқ таржимасини амалга оширди ва уни қўлёзма нусхаси билан бирга нашр эттирди [4,208 – 269]. (Биз бу ерда асосан унинг таржималарини таҳлилга тортамиз, айна пайтда қиёс учун бошқа таржималарга ҳам мурожаат қиламиз).

М.Абдулҳакимнинг Огаҳийга алоҳида муҳаббати бўлиб, буюк салафининг руҳидан тарбия топган маъносида ўзини *увайсий* деб ҳисобларди: “Бизнинг маънавий (увайсий) устозимиз – Мавлоно Огаҳийдир” [7,129], – дер эди лутф этиб. “Огаҳийни шу даражада яхши кўрар эдиларки, ҳатто номларини ҳам эъзозлаб, меҳр билан тилга олардилар” [7,196], – деб ёзади шоир Маҳмуд Ражаб. Бу бежиз эмас. Чунки у бу буюк ватандоши ижоди тадқиқи, таржимаси ва тарғиби билан бир умр шуғулланди. Бу йўналишдаги мақола ва таржималарини тўплаб, ҳатто “Мангулик жамоли” (Хоразм: Маъмур академияси, 2009. Мазкур китобга Огаҳий “Ашъори форсий”сининг қўлёзмаси илова қилинган) номи билан алоҳида китоб ҳам қилган эди. Ўз навбатида, замондошлари ҳам уни фаолияти ва ижодини улуғлаб, Огаҳийга ўхшатардилар. Жумладан, шоир ва журналист Эрпўлат Бахт шундай ёзади: “XIX асрда яшаб ижод қилган Мухаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ҳазратларидан сўнг Хоразм адабий муҳитига фидойилик билан етакчилик қилиш бахти ҳозирча фақат Матназар Абдулҳакимгагина насиб этди” [7,167].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, М.Абдулҳаким Огаҳий асарлари таржимасига катта тайёргарлик билан киришган. Чунки бунгача у Паҳлавон Маҳмуд ва Нажмиддин Кубро рубоийлари, Мирзо Бедил ғазаллари таржимаси орқали Шарқ шеърининг таржимасида катта тажриба тўплаган ва муайян даражада малака ҳосил қилган эди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир шеърни ўз вазнида таржима қилишга ва қофия тизимини деярли сақлашга интилади. Бу борада унга Огаҳий форсий шеърларининг нисбатан содда услубда ҳамда ҳазаж ва рамал каби туркий шеърининг машҳур энгил вазнларида ёзилгани ҳам қўл келган. Жумладан, Амирийнинг “Лаб уюр такаллумға, зулфни паришон қил!” мисраси билан бошланадиган ғазалига форсийда қилган қуйидаги татаббуси ҳазажи мусаммани солими абтар (фоилун ма-фоийлун фоилун мафоийлун – V – / V – – – / – V – / V – – –) вазнида ёзилган бўлиб, таржимон уни ўз вазнида жаранглатиб таржима қилади:

*Карда ҳар нафас зоҳир жонфизо табассумҳо,
Мавжи чашмаи кавсар аз лабат намоён кун*
[10,596].

Таржимаси:

Ҳар нафас аён айлаб жонфизо табассумлар,

Кавсар чашмаси мавжин лабингда намоён қил
[4,216].

“Огаҳийнинг форсий мероси” номли мақоласида А.Аҳмедов бу байтни қуйидагича таржима қилган эди:

Ҳар нафас зоҳир айлаб жонфизо табассумлар,

Кавсар сувин мавжини лабингда намоён қил
[5,121].

Кўриниб турибдики, М.Абдулҳаким таржимасида фақат иккита сўз ўзгарган: “зоҳир” сўзи “аён”, “сувин” сўзи эса “чашмаси” билан алмаштирилган, холос. Демак, кейинги таржимада олдингисидан фойдаланилган. Лекин ҳар икки таржиманинг ҳам биринчи ва иккинчи рукнларида вазний сакталиклар мавжуд.

Биз айна байтни мана бундай таржима қилдик:

Ҳар нафас жон олғувчи шўх табассумлар айлаб,

Лабда чашмаи кавсар мавжини намоён қил.

Мана бу ғазал эса ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, уни ҳам моҳир мутаржим ўз вазнида қойилмақом қилиб таржима қилган:

*Шабу рўз орзуям буд бўси лаъли нўшинаш,
Биҳамдуллоҳки, ҳосил шуд маро ин муддао
имшаб [9,385].*

Таржимаси:

Кеча-кундуз унинг лаъдидан ўпмак эрди орзуим,

*Биҳамдуллоҳки, ҳосил бўлди, не бахт, муддао бу
тун [9,215].*

Бизнинг таржимамизда бу байт мана бундай чиқди:

Асалдай лабларидан бир ўпиш орзум эди доим,

Худого минг шукурки, бўлди ҳосил муддао бу тун.

Туркий шеърининг кенг қўлланилган рамали мусаммани мақсур вазнида яратилган “омад баҳор” (“келмиш баҳор”) радифли ғазал таржимаси ҳам худди ўзбек тилида ёзилгандай жуда гўзал чиққан:

Азми сайри боғ кун, эй гулъузор, омад баҳор,

Карда сад файзи тароват ошкор, омад баҳор
[9,385].

Таржимаси:

Боғу бўстон сайрига чиқ, гулўзор, келмиш баҳор,

Айлабон минг-минг тароват ошкор, келмиш баҳор
[4,220].

Бу ғазални Абдулла Ўрозбоев ҳам қиёмига етказиб таржима қилган:

Сайри боғ қилғил бу дам, эй гулўзор, келмиш баҳор.

Юз тароват бирла файзи ошкор келмиш баҳор...
[8]

Абдулла Аҳмедов эса уни 14 ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилади:

Боғ сайрига борғил, эй гулўзор, келмиш баҳор,

Юз хил файзу тароват қилиб ошкор келмиш баҳор
[5,122].

Кўриниб турганидек, байтнинг иккинчи мисраси 15 ҳижоли бармоққа айланиб кетган. Умуман, ғазал таржимасида 14, 15, 16 ҳижоли бармоқ вазнлари аралашиб кетган.

Бу ғазал таржимасида биз ҳам қаламимиз кучини синаб кўрдик:

Чиқ чаман сайрига, эй гул юзли ёр, келмиш баҳор,

Айлабон файзу тароват ошкор келмиш баҳор.

Шу билан бирга, арузни яхши билмагани учун М.Абдулҳаким кўплаб вазний сакталикларга ҳам йўл қўйганини таъкидлаб ўтиш керак. Деярли ҳар бир таржимада аруз ва бармоқ вазнлари аралашиб кетганини кўриш мумкин. “Қил” радифли ғазал таржимаси бунинг ёрқин далилидир. Қатор ғазалларни вазнини ўзгартириб таржима қилади. Чунончи, “Ё Раб, ба ҳаққи мартабаи ашки оҳи мо”, “Эй дил, зи чарх ком таманно макун, абас” мисрали ғазаллар 14 ҳижоли вазнда ёзилган бўлиб, уларни 16 ҳижоли вазнда ўзбекчалаштиради [4,208]. Ҳолбуки, шакл ўзгариши билан шеърнинг ритми, оҳанги ҳам ўзгаради, шунга яраша, унинг эстетик таъсири ҳам ўзгача бўлади. Шунинг учун шеърни ўз вазнида ёки муқобил вазн билан таржима қилган таржимонлар ҳамиша муваффақият қозонганлар. Ҳатто узоқ тиллардан таржимада ҳам аслиятга ритм ва оҳанг жиҳатидан яқин

вазнлар изланиши сир эмас. Яқин тиллардан таржимада эса бу муаммо бирмунча осон ҳал этилади. Чунки уларнинг адабиёти кўпинча муштарак аънаналар асосида ривожланади, шеърятда бир хил ўлчов амал қилади. Айни жиҳатдан, форсийдан ўзбекчага шеърин таржимада вазн муаммоси бўлмаслиги керак. Чунки ҳар иккала тилдаги шеърят ягона шеърин тизим – арузда ривожланган. Форсий сўз санъаткорлари бу шеърин тизимнинг қайси вазнларидан фойдаланган бўлсалар, зарбадест ўзбек шоирлари ҳам улардан истифода этганлар. Хусусан, Алишер Навоий ижодида арузнинг деярли барча баҳр ва вазнлари маҳорат билан қўлланганлигини кўраимиз. Бундай шароитда арузни аруз билан беришнинг ўзи етарли эмас, балки “шеърин вазнини ҳам ўзгартирмай таржима қилиш” керак, чунки “вазнини салгина ўзгартиришнинг ўзи ҳам таржиманинг дастлабки нуқсони бўлади, деб ҳисоблаймиз” [6,226].

Баъзи ғазалларни эса қисқартириб таржима қилади. Масалан, “Худовандо, ба ишқат кун баланд оҳи саҳаргоҳам” мисраси билан бошланадиган ғазал 17 байтдан иборат бўлиб, таржимон унинг 15 байтини таржима қилган [4,218-219; 254-255]. Ёки “кунад бози” радифли 11 байтга ғазал таржимада 10 байтга айланган [4,224; 258-259].

Вофир ва комил баҳрларида йигирма ҳижолик вазнлар ҳам борки, мумтоз шоирларимиз уларни ҳам тажриба қилиб кўрганлар. Жумладан, огаҳийнинг ҳам “Эй аз сари ту...” деб бошланадиган ғазали ана шундай чўзиқ ҳижоли вазнда яратилган бўлиб, М.Абдулҳаким уни 16 ҳижолик ҳазажи мусаммани солим вазнига солиб ўгиради.

М.Абдулҳаким таржималарида баъзида нопозтик сўзлар (*бажарди каби*), шева намуналари (*дегиш, бизим, соб каби*)га ҳам дуч келамиз. Баъзида ўзбекча бўлмаган сўз ва иборалар учрайди (“*бўса нақдин эҳсон қил*”).

Истилоҳ ва тушунчаларни (*ибрат, айман, таҳқиқ изтироб, тажаллийгоҳ* ва ҳоказо) баъзида ё тушириб қолдиради, ё ўзгартириб кетади, ё таржима қилиб оладики, бу ҳам тўғри эмас. Баъзида таржима жараёнида муҳим сўзлар тушиб қолади. Жумладан, кўйидаги ғазал таржимасида ҳомийлик маъносидаги *соя* сўзи *кўланка*га айланадики, бу ўзини оқламайди:

Аз жаври чарх ба ту гурезем, чунки нест

Жуз сояи жаноби ту бар сар паноҳи мо [4,47].

Таржимаси:

Бош олибон чарх жавридан қочиб чиқиб кетар эсақ,

Кўланканг, оҳ бўлур бизим бошимиза паноҳимиз [4,208].

Ҳолбуки, айна байтни мана бундай таржима қилиш мумкин эди: *Бу чарх жафосидан қочиб, сенга урармиз бош,*

Лутфингнинг сояси, чунки бошда паноҳимиз.

Маълумки, шеърда радифнинг аҳамияти катта. У оҳангдорликни таъминлаб, шеърнинг ўзига хос мусиқасини юзага келтиради ва кўп ҳолларда асарнинг ички мазмуни, моҳияти, асосий маъносини ўзида акс эттиради. Лекин таржимада радифни беришнинг ҳамиша ҳам иложи топилавермайди. Шунинг учун кўпинча радиф мазмуни мисралар орасига сингдириб юборилади. Чунки таржима тили имкон бериши-бермаслигидан қатъи назар, радифни сақлаб қолишга уриниш шаклбозликка олиб келиши ҳам мумкин. Радифни акс эттириш имкони топилганда эса бундан таржима кўп нарса ютади. Огаҳийнинг “Ҳусн аҳли” ғазали таржимасида М.Абдулҳаким томонидан радиф нотўғри танлангани қатор хато ва ғализликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Чунончи:

*Зиҳи аз ҳуснат аҳли ҳуснро зебо жамолиҳо,
Зи ишқат ошиқонро пояйи соҳибкамалиҳо [9,379].*

Байтнинг мазмуни: “Сенинг беқиёс ҳуснинг тўфайли ҳусн аҳли гўзал жамол соҳибига айланди ва сенинг ишқинг тўфайли ошиқлар камол соҳиби мақомига эришдилар” бўлиб, у қуйидагича таржима қилиниши керак эди:

Сенинг ҳуснинг сабаб ҳусн аҳлига зебо жамолликлар,

Сенинг ишқингдан ошиқ аҳлига соҳибкамолликлар.

М.Абдулҳаким эса мана бундай таржима қилишни маъқул кўради:

Олибдур зеб зеболар сенинг ҳусну жамолингдин,

Камол топмишки, ишқ аҳлининг ишқи чун камолингдин [4,213].

Кўриниб турганидек, матлада бу ўзгариш билинмаган. Лекин баъзи байтларда яққол кўзга ташланиб қолган.

Ба завқи шаҳди васфи лаъли гўёйи равонбахшат,

Забонҳо ҳамчу тўти ёфта ширин мақолиҳо [9,379].

Байтда ифодаланган: “Жон бахш этувчи ширин сўзли лабинг васфининг ширинлиги завқидан тиллар тўти каби ширин сўз айтувчи бўлди” деган мазмун унинг насрий баёнида ҳам, М.Абдулҳаким таржимасида чиқмаган. Насрий баёнда ўқиймиз: “Лаълингнинг завқли ширин сўзлари билан гўё кишига жон бағишлайсан. Тўти қандай ширинмақол бўлса, сенинг тилинг ҳам шундай шириндир”. Кўриниб турганидек, аслиятдаги “Маъшуқанинг эшитганга жон бағишлайдиган ёқимли сўзловчи лаби таърифнинг шаҳди завқидан барча тиллар тўти каби ширин сўзловчи бўлди”, – деган мазмун Субутоё Долимовнинг насрий баёнида чиқмаган. Баёнда чиқиши қийин бўлган маънонинг шеърда солиш қанчалик қийинлигини энди тасаввур қилаверинг! Аслида таржима қилинажак матнни аввало таржимон ёки табдил қилувчининг ўзи яхши тушуниб олиши керак. Ўзинг маъносини тушунмаган матнни тўғри талқин қилолмайсан-да. М.Абдулҳаким таржимасида ҳам айна ҳолни кўраимиз:

Сени васф айлабон машқин бажарди барча булбуллар,

Томиб чак-чак асал ҳар чаҳчаҳинда шаҳд мақолингдан [3,213].

Кўриниб турганидек, шоир-таржимон байтни ниҳоятда эркин талқин қилади. Унинг эркин таржима принципига амал қилишини И.Исмоилов ҳам қайд этиб ўтган эди (7,188). У аввало байт мазмунини бутун теранлиги ва нозиклиги билан тушунмаган. Шундай бўлгач, уни тўғри таржима қилолмаган. “Сени васф этгани учун булбуллар ҳар чаҳчаҳ қилганда тилидан бол тўкилади”, деб қўя қолган.

Аслида байтни мана бундай таржима қилса, аслиятга қойиммақом бўлар эди:

Сўзи жон бахш этувчи бол лабинг завқида ҳар доим

Мисоли тўти бу тиллар топар ширинмақолликлар.

Ёки: Ба дарди доғи ҳижронат касе к-ў мубтало гардад,

Давояш нест жуз шому саҳар дилсўз нолиҳо [9,379].

Байтнинг мазмуни: “Ҳар кишики сенинг

ҳижронинг доғи дардига мубтало бўлса, унинг давоси шому саҳар дилни ёқувчи нолалардан бошқа эмас”.

Бу ерда таъкидлаб ўтганимиздек, “бажармоқ” сўзи поэтик матнга тушмаган. А.Аҳмедов таржимасида ҳам шу ҳолни кўрамиз:

*Эй кўнгул, жону тан бирла бажар ёр фармонини,
Зорланиб юрма асло, бузса аҳд паймонини* [5,119].

М.Абдулҳаким мана бу байтни ҳам ўзича тўқиб-бичган:

*Фироқинг дардига ҳар кимки ногоҳ мубтало бўлса,
Даво топмайди, бир топса топар оби зилолингдан* [4,214].

Ҳижрон доғига мубтало бўлганнинг кеча-кундуз жонўртар нола тортишдан бошқа давоси йўқ деган иккинчи мисрани фақат маъшуқанинг лабидан даво топади деб таржима қилади.

Биз эса айни байтни қуйидагича талқин қилишни маъқул топдик:

*Фироқинг дарди доғига агар ким мубтало бўлса,
Давоси туну кун дилсўз фиғону бемажолликлар.*

М.Абдулҳаким буюк сўз санъаткори шеърларини бир қадар эркин қилади. Лекин бу эркинлик баъзида ўзининг ижобий натижасини берса, баъзида аксинча аслият мазмунини ўзгартириб юборишга сабаб бўлган.

Маълумки, Эркин Воҳидов исёнкор рус шоири Сергей Есенин шеърлари таржимасига ижодий ёндашиб, уларни бир қадар эркин талқин қилиш йўлидан борган эди. Натижа унинг шеърлари ўзбек тилида жаранглаб чиқиб, ўқувчилар ўртасида катта шуҳрат қозонди. М.Абдулҳаким ҳам Огаҳий шеърлари таржимасида айни усулни қўллашга ҳаракат қилади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган эди: “Мен Эркин Воҳидовнинг ижоди ва бой тажрибасига қойил қоламан ва унинг таржима услубини ўргандим. Шоир менга сўзларни таржима қилишни эмас, балки асарнинг руҳини ўқувчига етказишни ўргатди” [7,219]. Лекин Шарқ шеърятининг аънаанага айланган тимсоллар тизими ва ташбеҳлар силсиласи мавжудки, таржима жараёнида уларни тушириб қолдириш, ўзгартириш ёки таржима қилиб олиш ўзини оқламайди.

Таржима бу – сўз ижодкорлиги деб бежиз айтишмаган. Маҳорат билан топилган биргина сўз

таржиманинг ҳуснини очиб юбориши, аксинча, ноўрин қўлланган бир сўз матн мазмунини хиралаштириши, ҳатто бузиши, сохталаштириши мумкинлиги маълум. Ҳар қандай таржимани ана шундай топилма сўзлар безайди. А.Аҳмедов эса ўз таржималарида баъзида ноўрин сўзлар ишлатади. Чунончи:

*Макун таҳқири риндон, зоҳидо, к-аз тоати ноқис,
Ба даргоҳи илоҳи хуштар ояд лоуболиҳо* [9,379].

Байт мазмуни: “Эй зоҳид, тоатида қусур бор деб риндларни таҳқирлама, илоҳий даргоҳда уларнинг ана шу бепарволиклари кўпроқ мақбул ҳисобланади”. Бу ерда “тоати ноқис” сўзининг “тоати оз”га, “макун таҳқир” иборасининг “сўкма”га айланиши маъқул эмас.

Тоати оз деб зинҳор риндларни сўкма, зоҳид,

Тангри ҳам хуш кўргуси риндларнинг ибодатин [5,123].

Мазкур байтни мана бундай таржима қилиш мумкин эди:

Қусурли тоати деб, этма таън ринд аҳлига, зоҳид

Ки, даргоҳи илоҳийга келар хуш лоуболликлар.

М.Абдулҳаким Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари таржимасида уларни имкон қадар ўзбекчалаштиришга, форсий-арабий сўзларни тўла таржима қилишга интилган эди. Огаҳий ғазаллари таржимасида унинг бу принципдан воз кечиб, Жамол Камол каби архаик сўзларни кўп қўллаши. баъзида ҳатто суиистеъмом қилишини кўрамиз (*алкан, нуқл, бода. асбоб, ноб, беҳоб, ризвон, жонфизо, сарви озод, ораз, лоуболи, мақол, фараҳ, бешумор, та-раҳхум, ид, даҳр, абри баҳор, гульузор* ва ҳоказо). Бу ҳол таржимани тушуниш даражасини қийинлаштиради.

Маълумки, таърих муҳим воқеа-ҳодиса, масалан, подшоҳларнинг тахтга чиқиши, машҳур кишиларнинг туғилиши ва ўлими, ҳашаматли бино-иншоотларнинг қурилиши, китоблар таълифи билан боғлиқ саналар абжад ҳисобида кўрсатиладиган шеърӣ жанр. Таъриҳда шундай сўз ва иборалар оғиб қўлланадики, уларни ташкил этган араб ҳарфларининг абжад рақами қўшиб ҳисобланганда маълум бир сана келиб чиқади. Санани билдирадиган сўз ёки ибора таърих моддаси, уларни ташкил этган ҳарфларнинг абжад бўйича йиғиндиси жумал дейилади.

Одатда, таърих жанридаги шеърлар назмӣ

таржима қилинмайди. Матнда уларнинг асли келтирилиб, кейин насрий баёни берилади ва таърих моддаси бўлиб келган сўз ёки иборага изоҳ берилиб, у ифодалаган сана кўрсатилади. Чунки таърих моддаси таржима қилинганда, ундан аслиятда келтирилган сана чиқмайди. М.Абдулҳаким эса, айтиб ўтганимиздек, шоирнинг 23 мавзудаги 36 та таърихнинг барчасини шеърий таржима қилади. Лекин у ўз таржималарида таърих моддаларини айнан қолдириб, матн ости ҳаволасида улар ифодалаган санани келтиради. Ҳолбуки, изоҳда айна сўз ва ибораларнинг таржимасини ҳам бериш керак эди. Таърих моддаси таржимада келтирилганда эса унга изоҳ беради.

Хулоса. Матназар Абдулҳаким қўшқанот ижодкорлардан бўлиб, унинг бир қаноти шеърият бўлса, иккинчи қаноти таржима эди. Албатта, у публицистика ва адабиётшунослик билан ҳам шуғулланган, лекин оригинал ижод ва таржима фаолиятининг икки асосий йўналиши эди, десак янглишмаймиз. У Паҳлавон Маҳмуднинг 450, Нажмиддин Кубронинг 26 рубойиси, яна Мажиддин Бағдодий ва Абулвафо Хоразмий рубойилари, Мирзо Бедилнинг 200 дан зиёд ғазали, яна Мунис, Огаҳий, Комил, Рожий, Табибийларнинг турли жанрдаги асарларини таржима қилган. Умрининг охирида у шундай деган экан: “Паҳлавон Маҳмуд рубойиларини, Огаҳийнинг “Ашъори форсий”сини таржима қилиб тамомладим. Энди, Худо умр берса, рус тилидаги билимимни синаб кўрмоқчиман. Р.Моран ва Н.Гребневларнинг Огаҳийдан қилган таржималари ҳақида “Тил топишган диллар” номли мақоламда ёздим. Рус тили – улуғ тил, унинг сўзлашув доираси кенг. Рус тили орқали Огаҳийни оламга олиб чиқсак, савоб иш бўлур эди” [7,128].

Албатта, таржима ҳеч қачон аслият ўрнини босмайди. Огаҳийга ўхшаган даҳо шоирларнинг бир неча маъно қатламларига эга, бадий санъатларга бой ва услубан мураккаб асарлари қайта-қайта таржима қилиниши, ҳар бир авлод унинг таржимасида қаламини синаб кўриши табиий. Бадий таржимачилик тараққиёти ва ҳар бир таржимоннинг индивидуал маҳорати бу таржималарда ўзини намоён қилиб бораверади. Матназар Абдулҳаким таржималари эса ўзининг ютуқ ва камчиликлари билан буюк ҳамюрти форсий меросининг илм таржималари бўлиб қолаверади. Келгусида амалга ошириладиган таржималар унинг ютуқларини ривожлантириб, тузатиб кетаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-ансоб). VIII–XII асрда яшаган ўзбекистонлик олимлар ҳақида

маълумот (Ҳожи Ғабдулғафур Раззоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимов таржимаси). – Бухоро, 2003.

2. Абдулҳаким М. Мангулик жамоли (Таржимон талқинлари). – Хоразм: Маъмун академияси, 2009 (Мазкур китобга Огаҳий “Ашъори форсий”сининг қўлёзмаси илова қилинган).

3. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр (И.Абдуллаев таржимаси). – Тошкент: “Фан”, 1976.

4. Азизлар анжумани. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008 (Огаҳийнинг М.Абдулҳаким таржимасидаги шеърларидан келтирилган барча мисоллар шу нашрдан олинди. – Э.О.).

5. Аҳмедов А. Огаҳийнинг форсий мероси / Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон (Огаҳий ҳақида мақолалар). Тошкент: “Халқ мероси”, 1999.

6. Исомиддинов З. Сўздан сўзнинг фарқи бор / Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 6-китоб. Тошкент Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

7. Матназар Абдулҳакимни эслаб... (Шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким ҳақида хотиралар, илмий тадқиқотлар). – Тошкент: “Lesson press”, 2016.

8. “Моҳият” газетаси, 2006 йил 17 март.

9. Огаҳий. Асарлар, VI жилдлик, 2-жилд (Нашрга тайёрловчи: С.Долимов). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

10. Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин (Нашрга тайёрловчи: Хуршид). – Тошкент: “Фан”, 1960/

11. Хоразм Маъмун академияси. – Тошкент: “Фан”, 2005.